Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети

Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 25 ноябрь, чоршанба № 232 (21.330).

ЎЗБЕКИСТОН–ЭРОН:

ЭЗГУ НИЯТ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВнинг Эрон Ислом Жумҳурияти ахборот агентлигининг Москвадаги ваколатхонаси бошлиғи Жамшид Шафийнинг саволларига жавоби

1. Бўлғуси ташрифнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

— Эрон Ислом Жумҳурияти ахборот агентлиги лутфи ила Эрон халқининг турли қатламларига мурожаат қилар эканман, аввало, уларнинг ҳар бирларига самимий дил сўзларимни баён қилишдан олдин, уларга янги зафарлар, бахт-саодат, омад, тинчлик ва осудалик тиласамимни изҳор этмоқчиман.

Сизнинг саволингизга жавоб қила туриб, шуни таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон жамоатчилиги бизнинг Эронга қиладиган ташрифимизга катта аҳамият бермоқда. Боиси, халқимиз Эрон халқига азалдан катта ҳурмат ва садоқат, дўстлик каби улуғ туйғулар нуқтаи назаридан қараб келган. Чунки, Эрон — қадимий маданият ўчоғи, дунёга машҳур шоиру носир, олиму фозил кишиларни етказиб берган мамлакатлардан биридир. Бундай улуғ зотларнинг ақл-тафаккури мевалари ҳанузгачаё муосир давримиз равнақига улуш бўлиб келаётганига шубҳа йўқ. Мен ушбу фурсатни ғанимат билиб, бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиманки, сизу биз ва бизларнинг аждодларимиз азалдан асрлар оша қўлни-қўлга бериб, икки халқ бахт-саодати, фаровонлиги учун саъйи ҳаракат қилиб келган.

Биз бир улуғ тарихий босқичга қадам қўймоқдамизки, шу боис бизнинг ушбу ташрифимиз Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга олгандан кейинги Ўзбек — Эрон икки томонлама муносабатлари тарихида дастлабки одим бўлибгина қолмай, балки икки мамлакат солномасида янги саҳифа очиши кутилмоқда. Ишонч билан айтиш лозимки, бу сафар жараёнида олиб бориладиган музокаралар ҳар икки давлат учун беқиёс самарали бўлади. Биз таклиф этган шартнома ва битимлар мажмуаси Ўзбек — Эрон ҳамкорлиги ривожи учун мустаҳкам пойдевор ва муҳим механизм ролини ўйнайди. Булар орасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги; алоқа ва телекоммуникация соҳасидаги ҳамкорлик; фан, маданият, сайёҳлик ва сармояларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга оид шартнома ва битимларни алоҳида таъкидламоқчиман. Айниқса, икки давлат ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги шартномани имзолаш мамлакатларимиз орасидаги алоқаларни янги-янги босқичларга олиб чиқиши барчамизни шод этади. «Яхши ният — ярим давлат» дейди халқимиз. Бизнинг Эронга ташрифдан кўзлаган мақсадларимиз шулардан иборат.

2. Икки мамлакатнинг бўлғуси муносабатларини қандай тасаввур қиласиз?

— Назаримда, иккинчи саволингизга биринчи савол юзасидан айтилган жавоб асос бўла олади. Аммо, шунга қарамай, қуйидагиларни айтишни лозим деб биламан. Авваламбор, ўзаро алоқалар тенг ҳуқуқли ва адолатли, манфаатли ва ҳамкорлик руҳида бўлишини кўраман. Биз Эронни нафақат Ўрта Шарқ, балки Осиёдаги йирик давлатлардан бири деб биламиз. Сизнинг мамлакатингиз халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа иқтисодиётида тутган ўрни билан алоҳида кўзга ташланади. Эрон Ислом Жумҳуриятининг бозор иқтисодиёти механизмини фаоллаштиришдаги тажрибаси ҳам ўзига хосдир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Эрон Ислом Жумҳуриятининг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида ва икки томонлама муносабатлар доирасидаги ўзаро самарали савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг имкониятлари ва қудрати беқиёс эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Шу билан биргаликда бизнинг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ривожи бошқа мамлакатлар манфаатларига асло зид бўлмаслигига ишора қилмоқчиман. Чунки Ўзбекистонда ҳам, Эронда ҳам қўшни мамлакатлар — Афғонистон ва Тожикистондаги мавжуд аҳвол кишиларимизни ташвишлантираётгани барчамизга аён. Бу мамлакатларда ҳанузгача бегуноҳ биродарларимиз қони тўкилмоқда, қариялар, аёллар ва болалар бошида очлик кўланка солиб турибди, завод ва фабрикалар ишламаяпти, йўллар беркитиб қўйилган. Бизнинг мақсадимиз Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида минтақадаги барча давлатларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ва бунинг учун қўшни мамлакатларда барқарорликни таъминлаш йўлида биргаликда ҳаракат қилиш лозимлигини тақозо этади. Табиийки, биз Афғонистон ва Тожикистондаги воқеаларга нисбатан мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқларини ҳурмат қилиш асосларига тўла риоя қилган ҳолда иш юритамиз. Умид қиламизки, минтақадаги давлатлар ҳам шу маслакда ҳаракат қиладилар. Лекин шу билан биргаликда мазкур мамлакатларда бегуноҳ кишилар қони тўкилишига ва очлик эшик қоқиб турганига лоқайд қараб тура олмаймиз. Ўзбекистон биринчилар қатори биродар тожик халқига ўзининг инсоний ёрдамини кўрсатишга киришди. Аммо эндигина мустақиллик йўлига тушиб олган Ўзбекистон олдида ҳам кўплаб иқтисодий қийинчиликлар мавжуд. Шу боис, биз жаҳон ҳамжамияти, хусусан, минтақа давлатларини бу ишда ҳамкорликка даъват қиламиз. Ушбу мамлакатлар халқлари танлаган йўлни ҳурматлаш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига риоя қилган ҳолдагина мазкур давлатларда осойишталик ва барқарорликни ўрнатиш мумкин бўлади. Мен ушбу муштарак фаолиятимизда минтақамиз давлатлари гуллаб-яшнаши ва сулҳу эминликни таъминлаш кафолатини аниқ ва равшан кўриб турибман. Шу билан биргаликда Эрон халқининг Афғонистондаги ҳарбий зиддият йилларида ўйнаган ролини юқори баҳолаб, миллионлаб афғон фуқароларига иш ва бошпана берганингизни таъкидламоқчиман. Эндиликда Афғонистондаги ҳаёт аста-секинлик билан ўз маромига тушмоқда. Бироқ у ерда катта миқдорда қуроллаштириш, ўқ-дорилар мавжуд. Бугунги кунда Афғонистон минтақадаги энг ҳарбийлашган мамлакатлардан бирига айланган. Бу эса ўз навбатида қўшни мамлакатларни ташвишга солиши муқаррар. Чунки контрабанда ва ғайриқонуний равишда чегарадан қурол олиб ўтиш, хусусан, Тожикистон тарафга, бемисл суръат билан ўсиб бормоқда. Афғонистон сўнгги йилларда наркотик моддалар ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи мамлакатлардан бирига айланган. Бундай далиллар фақатгина бизни эмас, балки Эронни ҳам ташвишлантиради. Ўйлайманки, давлатларимизнинг бу соҳадаги сайъи-ҳаракатларини умумлаштирсак, юқорида айтиб ўтилган фалокатнинг олдини олишда сезиларли натижаларга эришамиз.

3. Эроннинг Ўрта Осиё республикаларига суқилиб кираётгани ҳақидаги миш-мишлар тўғрисида қандай фикрдасиз?

— Маълумингизким, Ўрта Осиё минтақасида собиқ «совет республикалари» ўрнида бир неча мустақил, суверен давлатлар мавжуд. Уларнинг барчаси халқаро ҳамжамият — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоларидир. Ўзбекистон Республикаси, гарчи ўз ҳудудининг ҳажми, аҳолисининг сони жиҳатидан бирмунча йирикроқ бўлсада, ана шу мустақил давлатларнинг биридир. Шу боис, Ўзбекистон хусусида сўзлайдиган бўлсам, барчага аниқ ва равшанки, республикамиз қайси бир давлат билан алоқа боғлаб, давлатлараро муносабатлар ўрнатар экан, БМТга аъзо барча мамлакатлар каби халқаро ҳуқуқ ва меъёрлар, 1961 йилги дипломатия муносабатлари ва консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенцияси қоидаларидан келиб чиқиб, давлатларнинг бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, ҳар бирининг танлаган йўлини ҳурмат қилиш, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосларига таянган ҳолда иш кўрамиз. Биз ўз тарафимиздан шеригимиз олдида зиммамизга олган мажбуриятларимизни астойдил бажарганмиз ва бундан кейин ҳам шу йўлда давом қиламиз. Шунинг учун ҳам биз билан муносабатда бўлган давлатлар ҳам ўз зиммаларига олган вазифаларини бажаришларига чин дилдан ишонамиз.

Модомики, Жамшид Шафий жаноблари, юқоридаги тарзда савол беришга жазм этган экансиз, ўзингизда бу хусусда муайян, бизга номаълум асослар бордир. Бизларнинг қатъий фикримиз шуки, муносабатларимизда бир-биримизни англаб етишга интилишимиз, ўзаро бурчдорлигимиз, ўзаро ҳурмат ва эҳтиром бадкорларнинг оғзини юмади, деб ўйлайман.

4. Ўзбекистон мустақиллиққа эришган вақтдан буён ва Сизнинг раҳбарлигингизда қандай ўзгаришлар амалга ошди?

— Мустақиллик жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси ҳали ёш бўлишига қарамай, ҳозирги кунда уни суверен давлат сифатида 120 дан зиёд халқаро ҳамжамият аъзолари тан олди. Улардан 58 таси билан элчихоналар даражасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати 30 дан зиёд хорижий давлатга ўз дипломатия ваколатхоналарини очиш учун розилик берган. Дунёнинг йирик давлатларидан АҚШ, Франция, Олмония, Италия, Буюк Британия, Швейцария, Туркия, Эрон, Покистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой, Россия Федерацияси ва бошқа давлатларнинг элчихоналари Тошкент шаҳрида фаолият олиб бормоқда. Бу рақам кундан-кунга ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Оврўпо хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши, Халқаро валюта фонди, халқаро таъмир ва тараққиёт банки, Оврўпо таъмир ва тараққиёт банки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати ташкилоти ва бошқа бир талай нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзосидир.

Ўзбекистоннинг тарихан қисқа вақт ичида халқаро майдонда сезиларли даражада кўзга ташланишида унинг демократик жамият қуриш, бозор иқтисодиётига қадам-бақадам ўтиш, айниқса, мамлакатдаги барқарорликни таъминлаш йўлидаги интилишлари асосий омиллардан бири бўлиб келмоқда. Бу масаланинг сиёсий томони бўлса, иқтисодий соҳада Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятни жонлантириш мақсадида республикада ташкилий-ҳуқуқий асосларни яратиш учун ҳаракат қилиб, бу борада анчагина муваффақиятларни қўлга киритди. Ҳозирги кунда республикада 600 га яқин қўшма корхона рўйхатдан ўтказилди. Уларнинг қариб ярми ҳозирдаёқ самарали ишламоқда. Қўшма корхоналар ташкил этишда Туркия, Хитой, Австрия, АҚШ, Ҳиндистон, Италия, Покистон, Афғонистон инвесторлари ўз сармояларини Ўзбекистон иқтисодиётига сарф қилмоқдалар. Бунинг учун Ўзбекистонда сармоядорлар ҳуқуқлари ва уларнинг сармояларини ҳимоялаш юзасидан халқаро талаб даражасида қонунлар ишлаб турибди. Хусусан, «Чет эл сармоялари тўғрисидаги қонун» ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 24 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, чет эл сармояларини жалб этиш ва ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар тўғрисида»ги Фармони чет эл сармоядорлари ва уларнинг шерикларига республикада мусобақа асосида ҳиссадорлик мақсади билан ишлаб чиқариш корхоналари, бинолари, ускуналар, яшаш жойлари ва ерни ижарага олиш ҳуқуқини берди. Буларни тартибга солиш учун Ўзбекистонда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, ташқи иқтисодий фаолият бўйича миллий банк ва бошқа шу каби тизимлар барпо қилинди.

Туркия, Қурия Республикаси, Индонезия, Малайзия, Покистон, Финляндия билан ўзаро сармояларни рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш бўйича битимлар имзоланди, Австрия ва АҚШ билан шундай битимлар имзоланиб, муҳрланди.

Бундай жиддий ишларнинг самараси ўлароқ, Қурия Республикасининг иқтисодий қудрати, унинг ер ости ва усти бойликлари билан, энг муҳими, меҳнаткаш халқи билан яқиндан танишган дунёнинг кўплаб мамлакатлари вакиллари биз билан муомала қилишга ошиқиши табиийдир.

Энг муҳими, ҳозирги ноаниқ, ташвишли бир замонда собиқ Иттифоқ пароканда бўлиб кетганда Ўзбекистон мустақиллик, истиқлол йўлида бутун дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб олган ҳолда, халқимизни фаровон ҳаётнинг юксак даражасига кўтариш йўлида ўзининг дадил қадамларини қўйяпти. Иншоолло, ўз мақсадимизга етамиз.

5. Ташриф арафасида Эрон халқига қандай сўзлар билан мурожаат қилмоқчисиз?

— Эрон раҳбарияти, хусусан, Президент Ҳошимий Рафсонжоний жаноби олийлари билан мулоқот қилиш шарафига, мамлакат аҳли билан биринчи бор учрашиш бахтига мушарраф бўлиб турибман. Мен ушбу фурсатдан фойдаланиб, биродар Эрон халқига энг эзгу истакларимни ифода этиб, уларнинг ҳар бирига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, осойишталик ва рўшнолик тилайман.

Оллоҳ бизнинг ўзаро ҳамкорлигимизни серунум ва муваффақиятли қилсин!

ЗАФАР МУБОРАК

● АНДИЖОН

● Комсомолобод райони пахтакорлари йиллик марраси эгалладилар. Улар режадаги 36 минг 100 тонна ўрнига 36 минг 600 тонна пахта тайёрладилар.

● Қўрғонтепа райони деҳқонлари эса қариб 31 минг тонна хом ашё тайёрлаб режани бажаришди. Марҳаматликлар салкам 20 минг тонна, Шаҳрихонликлар 31 минг тоннага яқин пахта топшириб маррадан ўздилар.

● БУХОРО

● Бухоро райони пахтакорлари эл хирмонига 35 минг тоннага яқин дурдона топшириши. Жондорликлар салкам 47 минг тонна, когонликлар 22 минг тонна хом ашё топшириб, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлишди.

● СУРХОНДАРЁ

● Узун райони деҳқонлари вилоятда бешинчи бўлиб йиллик режани уддалашди. Улар хирмонга салкам 21 минг тонна дурдона етказиб беришди.

● НАМАНГАН

● Косонсой райони деҳқонлари она-Ватанга қариб 23 минг тонна пахта топшириб, йиллик режани бажаришди. Учқўрғонликлар эса 41 минг тоннадан зиёд пахта сотишди.

● СИРДАРЁ

● Вилоятда Меҳнатобод райони деҳқонлари йиллик режани бажарганлари ҳақида хабар берган эдик. Кўни кеча Сайхунобод райони деҳқонлари ҳам маррага етишди. Улар республика хирмонига 41 минг тонналик пахта билан ҳисса қўшишди.

● ФАРҒОНА

● Тошлоқ райони деҳқонлари салкам 25 минг тонна, Фарғона районидагилар 23 минг тонна, Бағдодликлар 29 минг 400 тонна пахта топшириб, кўпчиликнинг ҳурматини қозондилар.

● ХОРАЗМ

● Ҳамиша илғорлар сафида юрадиган Хоразм вилоятида ҳам хурсандчилик. Чунки Ғурлан райони деҳқонлари вилоятда биринчи бўлиб йиллик маррани эгаллашди. Улар қабул пунктларига 29,5 минг тонна дурдона сотишди.

● ТОШКЕНТ

● Ниҳоят Тошкент вилоятидан ҳам хушхабар олинди. Бўка райони пахтакорлари 48 минг тоннадан зиёд пахта тайёрлаб йиллик маррадан ўзишди.

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 24 НОЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

ҚАШҚАДАРЁ	0,08	104,31
БУХОРО	0,07	103,28
НАМАНГАН	0,16	101,98
ФАРҒОНА	0,03	100,39
АНДИЖОН	0,12	100,35
Тошкент	0,38	94,51
Навоий	0,26	92,63
Сурхондарё	0,37	92,04
Сирдарё	0,40	91,33
Хоразм	0,37	89,03
Қорақалпоғистон Республикаси	0,33	86,24
Жиззах	0,35	85,49
Самарқанд	0,23	76,94
Республика бўйича	0,23	94,47
1991 йилдагиси	0,00	104,70

ОСОЙИШТАЛИК БЎЛСА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов Андижон вилоятида икки кун бўлиб, корхоналар, хўжаликлар, шифохоналар ва бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятлари билан танишди.

У автомобиль ишлаб чиқаришга мослаштириладиган Асака трактор прицеплари заводи мутахассислари билан мулоқотда бўлди. Завод директори Камолиддин Соҳибжонов қўшма корхонада янги йилдан иш бошланиши, бу ерда доимий яшаб, ишлаш учун Кореядан 200 киши келиши, уларга тавсия этилган турар-жой маъқул бўлганлигини айтди. Корхонанинг ишлаб чиқариш майдони 55 минг квадрат метрга кенгайтирилади, 1100 метр айланма йўл қурилади. Биринчи босқичда—1600, иккинчи босқичда—3000 киши ҳафтада 6 кун 10 соатдан ишлайди. Шундан бир соати тушлик учун ажратилади. Шундай қилинмаса, ишлаб чиқариш қимматга тушади. Шу ойнинг охирида қўшма корхона қурилишида қатнашадиган кишилар Жанубий Кореянинг ДЭУ корпорациясига тажриба ўрганиш учун жўнаб кетадилар.

М. М. Расулов Шаҳрихон районига ўтиб, пахта тайёрлаш йиллик режасини 114 фоиз бажарган «Найнаво» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотининг котиби, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси Рўзноҳун Раҳимов билан қуйи бўғин обрўсини ошириш хусусида суҳбатлашди. Партком котиби 172 киши «Ўзбекистон овози» газетасига обуна қилинганлигини айтди.

Марказий Кенгаш котиби сафарининг иккинчи кунида Андижон районидаги Куйганёр консерва заводида бўлди. Италия билан ҳамкорликда қурилган қўшма корхона шу мавсумнинг ўзида 2 минг тоннадан ортиқ помидор томати ишлаб чиқарди. Бу маҳсулот чет элга валютага сотила бошланди. Шу райондаги Оқёр ремонт заводидаги учрашув ҳам мароқли ўтди.

Шундан кейин М. Расулов Андижон районининг ҳокимлиги биносида вилоятдаги барча ХДП шаҳар ва район кенгашларининг котиблари билан учрашиб, эркин суҳбат ўтказди. Ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш учун ҳамжиҳатлик, осойишталикни таъминлаш муҳимлигини таъкидлади. Халқимизни иқтисодий тангликдан олиб чиқиш учун республика Президенти И. Каримов ва ҳукумат раҳбарияти барча имкониятларни ишга солаётганини мисоллар асосида шарҳлаб берди.

Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, партия обрўсини ошириш партияга садоқати баланд кишиларни аъзоликка қабул қилиш, ҳокимлик билан алоқани мустаҳкамлаш, партия билетларини топшириш тезлаштириш, Конституция лойиҳаси муҳокамасини ташкил этиш ҳақида фикр алмашилди.

М. Расулов билан йиғилганлар ўртасида савол-жаваблар, жонли мулоқот бўлиб ўтди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мух-бири.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЭРОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

24 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси давлат делегацияси расмий ташриф билан Эрон Ислом Республикасига жўнаб кетди. Ташриф мобайнида Ўзбекистон билан Эрон давлатлари ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамкорлик ҳамда иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантиришга оид ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Делегацияни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, Республика Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

ҲУЖАНД ШАҲРИ

ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ СЕССИЯСИГА

Республикаларимизнинг халқлари Тожикистонда содир бўлаётган воқеаларни алам ва изтироб билан кутиб олмоқдалар. Тожикистон халқ ноибларининг мамлакатингиздаги аҳволни нормал изга солиш йўлидаги ишлари ва таклифларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайдилар.

Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг ҳозирги вақтда Хўжандда ишлаётган сессияси тожик халқига, ниҳоят, тинчлик ва тотувлик йўлини топишда ёрдам бера оладиган аниқ имкониятни яратади. Биз Тожикистоннинг ҳаётий муҳим бўлган барча муаммолари тинч йўл билан ҳал этилишига қатъиян тарафдормиз.

Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг Россияга қарашли 201-мотоўқчи дивизияни бошқа давлатларнинг тинчлик ўрнатувчи кучлари билан мустаҳкамлаш ҳақидаги илтимоси яқин кунларда кўриб чиқилади.

Н. НАЗАРБОЕВ,
А. АҚАЕВ,
Б. ЕЛЬЦИН,
И. КАРИМОВ.

Вазирлар Маҳкамасида қабул

● Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов 24 ноябрь куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси делегациясини қабул қилди. Делегация таркибида Хитой қоғоз ишлаб чиқарувчи мутахассислари ва енгил саноат ходимлари ҳам бор эди.

Дўстона суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегациясининг шу йил март ойида ХХРга қилган расмий ташрифи иккала давлат ўртасида барча соҳалардаги алоқаларни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаргани таъкидланди.

Суҳбатда хитойлик мутахассислар ёрдамида Ўзбекистонда қоғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва уни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси ва Хитой чет мамлакатлар билан дўстлик алоқалари Синьцзян халқ жамияти ўртасидаги шартномага мувофиқ Сирдарё ва Хоразм вилоятларида шолипоядан қоғоз ишлаб чиқарадиган заводлар қуриш тўғрисида музокаралар олиб борилгани айтилди. Масалан, Сирдарё вилоятидаги шундай заводда ўрнатиладиган икки линиядан ҳар бирида йилига 3 минг тоннадан 5 минг тоннагача маҳсулот тайёрлаш мумкин бўлур эди. Республикамизнинг Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида, шунингдек, Қорақалпоғистонда ҳам шу хил корхоналар қуриш имконияти бор. Бу борада Хитой технологияси ва мутахассисларидан фойдаланиш яхши самара беради.

Хитойлик меҳмонларнинг Ўзбекистонга ташрифи давомида пойабзал, устки кийим-кечак, терини қайта ишлаш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар барпо этиш ҳақида ҳамкорлик истагини билдирувчи протоколлар имзоланди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров қатнашди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА УЧРАШУВ

24 ноябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов Франция Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Жан Поль Везиан билан унинг илтимосига кўра учрашди.

М. М. Расулов элчига Ўзбекистон ХДП Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ҳамда у бошчилигидаги республика ҳукумати олиб бораётган сиёсат, Ўзбекистон ХДПнинг ташкилий мустаҳкамланиш жараёни ва шу бугунги фаолияти тўғрисида атрофлича сўзлаб берди.

Суҳбатда республикада қизғин давом этаётган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг муҳокамаси, ундаги баъзи бир бўлим ва моддаларга партиянинг муносабати, жойлардан келаётган таклифлар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А. Сандов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Матбуот марказа.

ХДП: одамлар орасида

ТАШКИЛОТЧИЛИК САМАРАСИ

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, Президентимиз Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг амалдаги ижросини таъминлаш — асосий иш мезонимиз. Август ойида бўлиб ўтган район партия ташкилоти ижроия бюроси мажлисида «Президент Фармонларининг бажарилишини ташкил этишда «Туркистон» жамоа хўжалиги раҳбар партия аъзоларининг иштироки тўғрисида»ги масала кун тартибига қўйилди.

Йиғилишда хўжаликда амалга оширилаётган ибратли ишлар алоҳида қайд этилиб, айрим нуқсонлар кўрсатиб ўтилди. Чунончи, бу ерда чорва қишловига олдиндан пухта тайёргарлик кўрилди. Молларнинг маҳсулдорлигини оширишга катта эътибор берилди. Хўжаликда 960 бош қорамол (шундан 260 та соғин сигир) боқилмоқда. Ҳар бир сигирдан ҳозиргача 2.320 килограммдан сут соғиб олишга эришилди. Ўтган йилдагидан давлатга 15 минг 731 килограмм ортиқ сут сотилди. Қишлов учун зичланиб тойланган сомондан 300 тонна, маккажўхори ва арпа сўтасидан эса 380 тонна ем тайёрланди. Бунда хўжалик раҳбарияти ва партия ташкилоти фаолларининг бамаслаҳат иш тутиши ўз самарасини беряпти. Хусусан М. Жўраев ва Ш. Рашидов номли, «Ҳақиқат», «Уч қаҳрамон», Ш. Одилов ва А. Навоий номли жамоа хўжаликларида бундай хайрли ишлар яхши йўлга қўйилган.

Район раҳбарияти ташкилотчилиги билан бозор муаммолари ижобий ҳал этилмоқда. Жойларда кичик корхоналар ва қўшимча иш жойлари очишга кенг йўл берилмоқда. Район хўжаликларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бир қисмини арзон нархда аҳолига сотилиши кўпчиликка маъқул бўлди. Муаммолар ечимини топишда меҳнат фахрийларининг кўмаги ва тажрибасига суянилмоқда. Ё. Аминов, Н. Шакаров, А. Муртазин, М. Саидов, Ҳ. Одилов, Қ. Ҳасанов каби отахонлар ёрдами шулар жумласидандир.

Пахтакорларимизга ҳам қулайликлар яратиб берилган. Терим илғорларини ҳар томонлама рағбатлантирилиши кенг йўлга қўйилган. Мавсум олдидан район аҳолисига 2 миллион метр газлама тарқатилди. Пахтакор хўжаликлардаги ҳар бир ишловчига беш килограммдан пахта ёғи, бошқа кундалик эҳтиёжга керакли саноат моллари улашилди.

Рўзғор бут, кўнгил тўқ бўлса, элимизнинг маънавиятга эҳтиёжи ҳам шунга яраша бўлади. Иштихонликларнинг матбуот вақтли нашрларига келаси йил учун обуна бўлиши муваффақиятли ўтаётгани боиси ҳам шунда. Ҳозиргача биргина «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»га 1000 га яқин киши обуна бўлди. Отахон рўзномага ёзилиш қизғин давом этмоқда.

Э. ОСТАНОВ,
ЎзХДП Иштихон район кенгашининг биринчи котиби.

ПАРЛАМЕНТ ИШИГА ТАЯНИБ

Бухорода Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг учинчи пленуми бўлиб ўтди. Пленум «Кўп партиявийлик ва бозор иқтисодиёти шароитида парламент ишининг асосларини ташкил этиш бўйича вилоят партия ташкилотининг вазифалари»ни муҳокама қилди. Бу ҳақда вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Р. Мўминов маъруза қилди.

Вилоят бошланғич партия ташкилотлари, шаҳар ва район кенгашлари фаолиятида бу соҳада маълум тажриба тўпланмоқда. Шаҳар ва район кенгашлари халқ депутатлари барча тизимларида партия гуруҳларини тузиб, сессиялар олдидан депутатлар муҳокамасига қўйиладиган масалаларни партиявий нуқтаи назаридан ўрганиб чиқадилар. Ҳокимият тизимидаги лавозимларга тайинланаётган кадрларнинг кўпчилиги партия ташкилотлари томонидан тавсия қилинаётгани, улар тегишли кенгашларда суҳбатдан ўтишлари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Вобкент, Қоракўл, Жондор, Бухоро район кенгашларида шу соҳада яхши тажриба тўпланган.

Партия ташкилотлари ва ижроия ҳокимияти ўртасидаги ҳамкорликни таъмин этишда вилоят, шаҳар ва район кенгашларининг ҳокимият билан бирга ўтказаётган «Мулоқот клуби» йиғилишлари катта роль ўйнаяпти. Партия ташкилотлари ўтказаётган турли хайрия тадбирлари, кенгашларда «Депутатлар қабули»нинг ташкил этилиши халқ ўртасида обрў-эътибор қозонишда яхши самара бераяпти.

Пленумда шу соҳадаги камчиликлар ҳам кўрсатилди. Чунончи, бошланғич партия ташкилотлари билан қишлоқ, қўрғон кенгашлари, уларнинг депутатлари орасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмаган.

Пленум қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг партия ташкилотларидаги муҳокамаси ҳақида вилоят кенгашининг котиби Х. Ж. Жумабоевнинг ахборотини ҳам тингладилар.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. А. В. Халилов вилоят ҳокимининг муовини этиб тасдиқланган муносабати билан ижроия бюроси аъзоси ва кенгашнинг иккинчи котиби вазифасидан озод этилди. Вилоят кенгашининг иккинчи котиблигига Х. Ж. Жумабоев сайланди.

Пленумда вилоят ҳокими Д. С. Ёдгоров қатнашди.

Н. НАИМОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАОЛЛАР ИЙҒИЛИШИ

АСОСИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Наманганда вилоят фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси вилоятда қандай муҳокама этилаётганини кўриб чиқдилар. Вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев маъруза қилди.

Маърузачи ва мунозарада сўзга чиққан нотиқлар мустақил Ўзбекистон Конституциясининг лойиҳасини аҳоли жуда фаол муҳокама этаётганини таъкидлаб ўтдилар. Бу муҳим ҳужжат Наманган вилоятида 2 500 дан зиёд меҳнат жамоасининг йиғилишларида кўриб чиқилди, 700 тадан кўпроқ қўшимчалар, таклифлар ва мулоҳазалар айтилди.

Фаоллар йиғилишида Наманган вилоятидан сайланган республика халқ нойбларининг Конституция лойиҳасидаги республика Президенти Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг Раиси лавозимини айни бир вақтда бажариши ҳақидаги 97-моддага қўшимча киритиш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлашга қарор қилинди. Йиғилиш қатнашчилари киритилган тузатиш ва мулоҳазаларни эътиборга олиб, таклиф этилган лойиҳани умуман маъқулладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков нутқ сўзлади. Йиғилиш ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов қатнашди.

* * *

23 ноябрь куни Андижон вилояти фаоллари йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари вилоят ҳокими Қ. Холмирзаевнинг шу ҳақдаги маърузасини тинглаб муҳокама қилдилар.

Маърузачи ва сўзга чиқ қанлар Конституция лойиҳаси матбуотда эълон қилингандан буён ҳамманинг эътиборида экани, у барча меҳнат жамоалари ва аҳоли истиқомат жойларида муҳокама этилаётганини таъкидладилар, лойиҳани қўллаб-қувватлаш билан бирга унинг айрим моддаларига ўзгартишлар киритишни таклиф этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков йиғилишда нутқ сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов қатнашди.

(ЎзА).

ҚИРҚ ЁШЛИ КАРВОН

Самарқанддаги 2522-автоколонна ташкил топганлигига роса қирқ йил тўлди.

Тўртта машина билан иш бошлаган жамоа бугун 340 дан ортиқ «ЗИЛ», «КамАЗ» ва бошқа оғир юк машиналарига эга бўлган автоколоннага айланди.

Катта карвоннинг ташвиши ҳам катта. Жамоа 24 вазирлик ва идорага қарашли 96 буюртмачига хизмат кўрсатаётир.

Бу ерда ёнилғи ва эҳтиёт қисмлар етишмаслигидан нолишмайди.

— Қарийб ўн йилдан бери «ЗИЛ» бирлашмаси билан алоқа ўрнатганмиз, — дейди автоколонна бошлиғи Жаҳон Мирзаев. — Доимий равишда биздан 70 киши Москвада ишлайди ва машинасозлик сирларини ўрганади. Натижада эҳтиёт қисмларни арзон нархда олиб турибмиз. Павлодар нефтни қайта ишлаш корхонаси билан ҳам шундай ҳамкорлик қилаяпмиз.

Айтгандай, автоколоннада яна бир ибратли иш йўлга қўйилган. Маълумки ҳозир кўпгина ташкилотларда нақд пул йўқ. Натижада шоферлар бажарилган иш учун пулни ололмай овора. Шундай пайтда улар пулсиз шартномага ўтишди. Яъни хизмат эвазига ёқилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа маҳсулотлар олишади. Шу боис автоколонна билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган ташкилотлар сони ортиб бормоқда.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Узоқ ва яқин мамлакатлар: Эрон Ислом Жумҳурияти

● Эрон Ислом Жумҳурияти Жануби-Ғарбий Осиёдаги энг бой, нуфузли ва йирик давлат бўлиб, ер майдони 1,65 миллион квадрат километрдан иборат. Тизмалари Афғонистон, Покистон, Эрон: чеккалари Ироқ ва Туркманистоннинг жанубига туташган улкан Эрон тоғлигининг марказида жойлашган ўлка.

СИЁВУШ АРМОНИ

Билимдон тарихчилар ва донишманд файласуфларнинг фикрича, Эрон инсониятга «Эрон мероси» деб юритилувчи мустаҳкам давлат тузуми, юксак маданият ва мукаммал илм тизимини тақдим этган юртдир.

Эрон Ислом тарқалган илк ўлка бўлишига қарамай, араблар забт этган бошқа ўлкалардан фарқли ўлароқ, шиа мазҳабини танлагани туфайли араб миллатчилигига қарши туришнинг мақбул йўлидан борди.

Араблар босқинидан сўнг Қадимий Эрон маданияти деярли бутунлай йўқ қилинди. Абу Муслим исъёнидан кейин Ўрта Осиёда вужудга келган мустақил давлатчилик ва илмий маданият қўш асосли бўлиб, шавкатли Эрон тарихи ва буюк турк давлатчилик маданияти вайроналарида сомонийлар давлати сувратида шаклланди.

Хуросонда дурроний афғон сулоласининг кучайиб бориши, усмонлилар салтанатининг юксалиши, Россия империясининг Ҳинд уммонига чиқишга тийиқсиз интилиши ҳамда Буюк Британия империясининг Туркистонни ўз тасарруфига олишга уринишлари оқибатида Эрон шоҳлигининг ҳудуди бирмунча қисқарди. Арманистон, Доғистон каби вассаллари бутунлай қўлдан кетди. Шоҳлик Хуросон ва Озарбайжоннинг катта қисмини афғон амирлари ва рус подшоларига беришга мажбур бўлди.

Туркистон тарихини янгитдан ёзаётган айрим тарихчиларимиз Эрон ҳам Туркистонни бўлиб олишда иштирок этган, деган илмий фаразни илгари сурмоқдалар. Бу янглиш тахминдан бошқа нарса эмас. Осиёда кечган тарихий воқеалардан шу нарса аёнки, мабодо, Буюк Британиянинг Форс кўрфазида мавқеи кучаймаса, Рус-япон урушида осиёликларнинг қўли баланд келмаса, 1917 йилги инқилоб содир бўлмаса, асримизнинг биринчи ярмидаёқ Россия Эронни бутунлай тиз чўктирар ва Эрон ҳам Турон сингари империянинг қурбонига айланар эди.

Эрон билан Туроннинг қадимий ва янги алоқалари силсиласида Эроннинг мустақил давлат сифатида сақланиб қолиши беқиёс тарихий аҳамиятга эгадир.

Қизил империянинг жанубий сарҳадларда асраш баҳонасида Афғонистонга қўшин киритган Совет давлати чор Россиясидан қолган Эронга нисбатан доимий тазйиқ сиёсатини янгича шаклда давом эттирмоқчи эди, ўнгмади.

Эрон шоҳлик йилларида яхши гўдак сифатида икки онани эмгани ҳам рост. 1979 йилнинг 12 февралида рўй берган Эрон инқилоби мамлакатнинг қўш тегирмон тоши остида янчилиб кетишидан сақлаб қолди.

Беш асрлик шоҳлик тузуми, икки ярим минг йиллик мукаммал миллий тарихга эга бўлган ва миллий қадриятлари собит бўлган Эронга коммунистик назарияни ҳам, Ғарб давлатларининг демократик тузумини ҳам сингдириб бўлмасди. Қисқаси, икки таълимот ўртасидаги «совуқ уруш»нинг тугаши ҳам Эрон фойдасига ҳал бўлди. АҚШ Форс кўрфазида ўз мавқеини сақлаб қолишга эришди, Туркистонда янги мустақил давлатларнинг вужудга келиши Эронни Россиянинг доимий тазйиқидан халос қилди.

Маълум бир минтақада ўз таъсирини сақлаб қолишга интилаётган давлатлар сиёсат юргизишда «доимий олабўжилар» билан қўрқитишни хуш кўради. Кўрфаздаги араб давлатлари нефть конларининг ягона хўжайини бўлмиш Америка Қўшма Штатлари шоҳлик тузуми йилларида Эрон конларини эгаллаб олишга интилди. Чунки, дунёдаги асосий нефть манбаларини назорат қилиш эса бу қимматбаҳо ёқилғининг жаҳон бозорида йилдан-йилга арзонлашиб боришини таъминлар эди.

Жаҳонда икки катта лагернинг вужудга келиши босқинчиликнинг бутунлай йўқотилишига олиб келмади, бинобарин, Афғонистон босқини ва Эрон мустақиллигига таҳдид солиниши роса чийралган пинҳона қураш риштасининг ингичка еридан узилишидир. Покистон ва Эрон мадад бергач, афғон халқи ўз озодлигини сақлаб қола олди. Кўпни кўрган сиёсатдонлар минтақа халқлари муносабатларида бу урушдан сўнг совуқлик пайдо бўлишини таҳмин қилган эди. Афғонистон мустақиллигининг сақлаб қолиниши эса минтақа халқларининг ўзаро яқинлашувида муҳим бўғин бўлиб қолди.

Эроннинг қўшалоқ чегараси бор, десак муболаға бўлмас. Биринчи сарҳад мамлакатнинг расмий давлат чегаралари саналса, иккинчи чегара турли мамлакатлардаги шиа мазҳабидаги аҳоли яшайдиган катта-кичик ҳунарманд ҳудудлардан ташкил топган. Айни ўзига хослик асрлар оша Эрон ҳукмдорларининг ҳам, Эронга қарши кучларнинг ҳам қўлидаги қурол бўлиб келди. Бугунги кунда Исроилга қарши курашаётган «Ҳизбиоллоҳ» партиясининг бевосита Эрон билан алоқадорлиги ёхуд Ироқ жанубида шиа мазҳабидаги арабларнинг қирғин қилиниши ушбу таълимот тасарруф доирасининг давлат чегаралари-дан-да каттароқ эканидан далолат беради.

Оятулло Ҳумайний раҳнамо исломий кучлар Эронга раҳбарлик қила бошлагандан сўнг мамлакат Шарқдан ҳам, Ғарбдан ҳам юз ўгирди. Табиийки, ягона йўл — Ислом қолди.

Америка Қўшма Штатларини чўчитаётган сабаб битта: Эрон инқилоби ғояларининг яқин ва Ўрта Шарққа ёйилиши АҚШнинг Форс кўрфазидаги бақувват мавқеига путур етказади.

Россия эса ўз тасарруфидаги мазлум халқларнинг исломга қайтиши оқибатида мустақиллик кўтаринкилиги вужудга келишидан хавфсирамоқда.

«Эрон исломпарастлиги» ёхуд «Ислом ақидапарастлиги» истилоҳларининг матбуот саҳифаларини муқим эгаллаб олиши ўз навбатида ҳали инсониятга мустамлака сиёсатининг узоқ вақт соя солиб туришидан бир нишонадир.

Ишлаб чиқариш имкониятлари катта ва ислом дунёсида мавқеи баланд бўлишига қарамай, Эрон шоҳлик тузуми йилларида ҳам, инқилобдан кейин ҳам маҳдуд давлат табиатидан воз кечмади. Доимий тазйиқ остида турган давлатлар бирмунча худбин, тажовузкор ва таваккалчи бўлади.

Туркистон билан қадимий алоқаларнинг узилиб қолиши Эронни дунёнинг қолган қисми билан яқинлашувига олиб келади, бу эса мамлакат иқтисодиёти жаҳон хўжалигининг таркибий қисмига айланишига сабаб бўлади, деб тахмин этилган эди, Эрон бу йўсинда ҳам эҳтиёткорлик қилди.

Эрон жаҳон сув йўлларининг қирғоғида жойлашган, катта нефть заҳираларига эга бўлган, қишлоқ хўжалиги, енгил саноатни хом ашё билан мустақил таъминлай оладиган, тоғ тизмаларида ва саҳролари бағрида қарийб барча маъданлар учрайдиган, олтин заҳираси кўп бўлган бир ўлкадирки, мамлакат халқ хўжалигига фақат сув танқислигигина хавф солиб туради.

Нефть ва газ саноати мамлакат иқтисодиётининг мўътадиллигини белгиловчи асосий омилдир.

Туркистондаги ёш давлатлар силсиласида Ўзбекистоннинг Эрон билан ўзаро алоқаларининг келажагини яхши қўшничилик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, бир-бирига таҳдид солмаслик каби синашта тамойиллар белгилайди. Афғонистондаги фуқаролар урушини тезроқ тугатиш, минтақадаги давлатлараро иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, илмий ҳамкорликни тиклаш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш каби мунтазам ҳодисаларда Эрон билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар бошлаб юборилмасданоқ муштарак манфаатлар мавжуд эди.

Маълумки, ўрта асрларда карвон йўллари энг арзон ва ўнғай мулоқот воситаси саналарди, Колумб саёҳатидан сўнг жаҳон денгиз йўлларининг аҳамияти беқиёс ортиб кетди. Эндиликда қуруқлик йўлларининг жаҳон иқтисодиётидаги мавқеи қайта тикланмоқда. Араб дунёсига, Европа ҳамжамиятига, Америка, Африка, Австралия қитъаларига ва жаҳон сув йўлларига энг яқин йўллар Эрон орқали ўтиши табиийдир.

Сўнгги ярим асрда жаҳонда минтақаларо ва минтақавий иқтисодиётнинг мавқеи анча кучайди, ўзига хос диний, миллий, ирқий, сиёсий ва иқтисодий маҳдуд минтақалар шаклланди. Бу унчалик қўрқинчли ҳодиса эмас. Қисқаси, маҳдудлик жаҳон иқтисодиётида рақобатни белгиловчи омилга айланди. Бинобарин, Эрон ҳукумати Покистон ва Туркия билан иқтисодий ва молиявий иттифоқ тузган. Унга Туркистондаги давлатларнинг аъзо бўлиб киришига монеълик қилмади. Эрон Каспий денгизи ҳавзаси давлатлари билан иқтисодий ҳамкорликка асос солишга интилмоқда.

Туркистондаги давлатларнинг мустақилликка эришуви Эронни маҳдудликдан чиқишига ундамоқда.

Иқлимнинг ўхшашлиги, тарихий муштараклик ва етиштирилаётган маҳсулотларнинг бир хиллиги Эронни Туркистондаги ҳар бир давлат билан рақобатлашишга мажбур қилади. Кези келганда ,шуни айтиб ўтиш керакки, минтақадаги давлатларнинг маҳдудлигидан манфаатдор бўлган кучлар понани ана шу туйнукка қоқиб кўришга интилади, албатта. Беҳуда уринишади! Чунки, минтақада аҳолининг тез суръатларда кўпайиб бориши ўхшаш маҳсулотлар ва хом ашё ишлаб чиқаришни оширишга мажбур қилади, барибир яхлит минтақавий иқтисодий ҳамкорлик вужудга келади.

Туркистоннинг мазлум ўлкага айланиши Эроннинг қайсар ва гўзал табиатига таҳдид сола бошлади. Ёш давлатларнинг меъёрли, аниқроғи ихтиёрий хўжалик юритиши кундан-кунга оғирлашиб бораётган табиий мувозанатни сақлаб туришнинг энг мақбули йўлидир. Бу соҳада Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари нафақат Эрон, қолаверса, инсониятнинг қайғуси билан ҳам уйғундир.

Хуллас, давлатлараро алоқаларни тиклаш ва халқаро муносабатлар майдонига яқин қўшнилар устидан бостириб ўтмай, ҳар бир мамлакатнинг нуфузи ва обрўсига қараб иш юритиш вақти келди.

Эронликлар ва туронликлар афсонавий қаҳрамони Сиёвушнинг армони ҳам шу эди.

Барнобек ЭШПЎЛАТОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ЯХШИЛАР КЎП...

Кун кўриш кун сайин мураккаблашиб бораётган ҳозирги пайтда, айтайлик кўчадан катта пул топиб олсангиз, бировга айтардингизми!

Албатта, бу саволга жавоб бериш учун ўйланиб қоласиз. Аммо Самарқанд районидаги Урташиқ қишлоғида яшовчи пенсионер, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Нарзи бобо Ҳамидов иккиланиб ўтирмади. Отахон магазин қошида тўпланганларга мурожаат қилди.

— Ҳо, жамоат, мана бу ердан қопчиқ топиб олдим. Кимники бу? Қаранглар, эҳтимол танирсизлар?

Қопчиқ боғча тарбиячиси М. Ниёзованики экан. Ичидан 8.5 минг сўмга яқин пул ва 500 сўмлик заём чиқди.

Одамларда кўпни кўрган ҳимматли отахонга нисбатан янада чуқур ҳурмат уйғонди. Эртасига воқеадан хабар топган район ҳокими Р. Ҳакимова Нарзи бобога раҳмат айтиб, 500 сўм совға берди. ЎзХДП район Кенгаши эса собиқ милиционерни Фахрий ёрлиқ билан тақдирлади.

Қопчиқ эгаси ўзида йўқ хурсанд.

— Отахон, илтимос, пулдан озроғини олинг...

— Қўйсангчи, болам, пулинг яхши кунингга буюрсин. Бунинг учун рағбатлантириш шарт эмас...

Ана шунақа, орамизда яхшилар ҳам кўп.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

САМАРҚАНД ЧИННИСИ

Маҳсулот сифатли бўлса, харидор кўпаяверади. Қолаверса, ҳозирги бозор иқтисодиёти талаби ҳам шундай. Самарқанд чинни заводи жамоаси бу оддий ҳақиқатни яхши тушуниб, маҳсулотнинг сифатли тайёрланишига алоҳида эътибор бераётир.

Дарвоқе, корхона харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш учун етарли имкониятларга эга. Барча цехлар замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Ҳозир айрим участкаларни хориж технологияси билан янгилаш ҳам кўзда тутилмоқда.

Эндиликда чиннисозлар маҳсулотларига МДҲ давлатлари, шунингдек, хориждан ҳам буюртмалар тушяпти. Бу ерда тайёрланаётган чойнак, пиёла, коса, қумғон ва бошқа чинни идишлар қадимий шаҳарга ташриф буюрган сайёҳу ишбилармонлар эътиборини ўзига жалб этмоқда. Меҳмонлар совға буюм сифатида чинни идишларни севиб харид қилишяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Корхона илғор ишчилари Н. Ражабова ва Н. Каримовалар. 2. Чинни буюмлардан намуналар.

А. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

ДУНЁ ОВОЗИ

ҚАРЗ УЗИШ УЧУН ЖУНАТИЛАДИ

● Колима оролидаги «Арктика» олтин қазувчилар артели ишчилари яқинда 20 килограммдан зиёд оғирликдаги олтин ёмбисини топдилар.

Олтин қазиш саноати мутахассислари бу ноёб топилмани бирон-бир музейга топшириш ниятида эмаслар. Ҳар ҳолда бу ёмби чет элга Россиянинг қарзларини тўлаш учун жўнатилса керак.

ҲАР ИШДА ҲИСОБ-КИТОБ БЎЛГАНИ ЯХШИ

● Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоевнинг Фармонига мувофиқ жумҳурият давлат солиқ инспекцияси ва божхона қўмитаси Молия вазирлиги тизимасига киритилди.

Бу билан Молия вазирлигининг давлат бюджети даромадларини таъминлаш учун молиявий сиёсатни ва масъулиятни оширишни кучайтириш кўзда тутилди.

КОНСТИТУЦИЯ СУДИ ИШСИЗ ҚОЛМАЯПТИ

● Россия Конституция суди Россия Президенти қабул қилган яна бир Фармонининг Конституцияга тўғри келиш-келмаслигини текшириб кўриш ҳақидаги илтимосномани қабул қилиб олди.

Россия Федерацияси халқ депутатлари бўлган Миллий нажот фронти фаоллари шундай илтимос билан мурожаат қилган эдилар. Улар Президентнинг «Россия Федерациясидаги конституцион тузумни ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бекор қилишни талаб этмоқдалар. Ушбу Фармонга биноан Миллий нажот фронти тарқатиб юборилган эди. Суднинг очиқ мажлиси 30 ноябрда бошланиши керак.

КЎПЧИЛИКНИНГ ФИКРИ

● Яқинда Новгороднинг маҳаллий телерадиокомпанияси аҳолига мурожаат қилиб, Халқ депутатларининг навбатдаги съездидан нимани кутмоқдасизлар, деб сўраган эди.

Телерадиокомпанияга қўнғироқ қилишга муваффақ бўлган вилоят аҳолисининг кўпчилиги бир овоздан Россия Президенти ва ҳукумати истеъфога чиқсин, деб талаб қилди.

БЕДАВО ДАРД

● Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 1 декабрь куни «СПИДга қарши юриш куни» ўтказишга даъват этди.

Ташкилот маълумотномасида айтилишича, ҳозир дунёда 11 миллиондан 13 миллионгача одам, шу жумладан, бир миллион бола иммунитет етишмаслигидан муқаррар ҳалокат ёқасида турибди. Шифокорларнинг янгидан-янги чораларига қарамай, ҳар куни 5 минг одам бу дарди бедавога мубтало бўлмоқда.

Маълумотномада ташвиш билан таъкидланишича, сайёрамизнинг бир неча минтақасида бутун бошли оилаларнинг СПИДга чалиниши ҳоллари учрамоқда. Кўплаб мамлакатлар жамият фаровонлигини таъминловчи ижтимоий фаол қатламлардан маҳрум бўлиш арафасида турибди.

ЯХШИ НИЯТ ИФОДАСИ

● Вьетнам Ҳинди-Хитойдаги уруш вақтида номнишонсиз йўқолган американликлар қисматини аниқлашда АҚШ билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини намойиш қилди.

Вашингтон ҳам икки давлат ўртасида муносабатларни яхшилаш мақсадида бу ташаббусга лаббай, деб жавоб бериши мумкин. Вьетнамга бориб келган АҚШ конгресси сенати сенатининг ҳарбий асирлар ва ном-нишонсиз йўқолганлар иши махсус комитети аъзолари журналистлар билан Вашингтонда бўлиб ўтган учрашувда шуни маълум қилишди.

БОЙЛАРНИНГ ҲАМ КАМБАҒАЛЛАРНИНГ ҲАМ ЙИҒЛАШИГА САЛ ҚОЛДИ

● Мексикалик таниқли актриса, машҳур «Бойлар ҳам йиғлайди» теленовеласининг бош қаҳрамони ролининг ижрочиси Вероника Кастро тасодиф туфайли омон қолди.

Яқинда Вероника ва унинг бир неча энг яқин кишилари вертолётда Сан-Луис Потоси штатига йўл олишган эди. Вертолёт зарур баландликка чиқолмай дарахтлар устига қулаб тушган. Минг қатла шукурки, унга ҳеч қандай шикаст етмади.

ҲАР ҲОЛДА БУ ҲАМ ЕНГИЛЛИК-КУ

● Хабаровск ўлкасидаги учта туманда яшовчи 30 минг нафардан кўпроқ нафақахўрлар, ногиронлар ва кам таъминланган оилаларнинг болалари эндиликда жамоат транспортидан текин фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармаси яқин орада ўлкада яшовчи 292 минг нафар барча нафақахўрлар ва меҳнатга лаёқатсиз кишиларнинг ҳаммасига шундай енгиллик яратишга азму-қарор қилган.

* * *

Сибирь нефтчиларининг йирик шаҳри бўлмиш Нижневартовскда ҳам 1 декабрдан бошлаб автобусларда бепул юриш жорий қилинади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва яқин хорижий мамлакатларнинг рўзномалари асосида тайёрланди).

• *Замон—ишбилармонники*

70 МИЛЛИОН ДАРОМАД ЧЕГАРА ЭМАС

Пахтаободда «Коммуна» деб номланувчи колхоз бор. Унинг донғи бутун Андижонга маълум. Бонси — колхоз миллионер.

Ҳамроҳим, район ҳокими Усмонжон Иномиддинов бу хўжаликни «суянганимиз шу» дегани ҳам бежиз эмас экан. Хўжаликнинг давлатга бу йил 3460 тонна пахта топшириб, ҳосилдорликни 36 центнерга етказганига ҳаҳ ярим ойдан ошди.

— Республикамиз пахта режасини бажаргунча суръатни туширимаймиз, — дея гап бошлади хўжалик раҳбари Ёқубжон ака Икромов. — Режани 115 фоизга етказган бўлсак-да, далада ҳосил бор. Абдурасул Абдулазизов, Муҳаммаджон Турғунов сингари ташаббускор пахтакорларимиз етакчилик қилаётган бригадалар режани қисқа фурсатда ортиғи билан бажаришди. Раҳмат айтиб, мукофотладик. Зайнобиддин Зоҳиров, Азимжон Ҳакимов сингари механизаторлар, Ўринбой Исаев, Тўхтамат Турғунов каби беҳаловат сувчиларимиз бўлмаганида айрим хўжаликларга ўхшаб рўйхатнинг охирида юрармидик. Чунки шароит ҳаммада бир. Ким отини эртароқ қамчиласа — ўша ютади.

— Ёқубжон ака, Президентимиз Фармонига кўра пахта харид нархлари оширилди...

— Худди шу нарса жонимизга ора кирди. Бу йил пахтанинг ўзидан 70 миллион 100 минг сўм даромад қиламиз. Режадан ошиқча 33 фоиз пахтанинг толасини сотишдан келадиган пулни ҳисобласак, ҳаммаси 126 миллиондан ошади. Тўғри, бугунги нарх-навода бу ҳайратланарли маблағ эмас, бироқ шунинг ўзи билан ҳам кўп иш қилса бўлади.

Масалан, келаси йил бошидан 810 ўринли мактаб, 180 ўринли боғча, 50 кишига мўлжалланган ҳаммом биносини қурмоқчимиз. Лойиҳалари бор, 27 миллион 230 минг сўм сарфласак ҳаммаси битади. Тағин етти километрга газ қувури, уч километрга асфальт, уч километрга электр тармоғи ўтказиш учун 17 миллион сўм сарфлашни мўлжаллаб турибмиз. Албатта, кундалик рўзғордан орттиролган, халқни ўйлаган хўжаликкина бундай ишларни амалга оширa олади.

Колхозимизнинг 1250 аъзоси бор. Уларга ғазнамизга келиб тушадиган пулнинг 45 миллионини ойлигу мукофот қилиб берсак, ўзимизнинг ҳам кўнглимиз тинч бўлади, одамларнинг ҳам. Ҳозиргача эса ҳар бир хонадонга юз килограммдан буғдой тарқатдик. Келгуси йил учун 146 гектар ерга буғдой экиб қўйдик. Насиб этса, дон деб бировнинг уйига югурмаймиз. Мева-сабзавот ҳам шундай. Сабзавотдан 650 тоннасини, картошкадан 120 тонна, полиз маҳсулотларидан 30 тоннасини жамоа аҳлига сотдик. Омборда... омборимизда қанча қолди, Нормирза ака?..

Бош иқтисодчи Н. Тожиддинов раиснинг гап қотишига маҳтал турган экан, дарров рақамларни қалаштириб ташлади:

— Буғдойдан 140 тонна, маккадан 85 тонна, олма 2, пиёз 18, картошкадан 4 тонна бор.

— Зарурат туғилса, ана шу омбордаги нарсаларни ҳам одамларга берамиз. Бундан ташқари ўзбекчилик — биров тўй қилади, биров маросим-маъракa. Баҳоли қудрат колхоз тадбир эгасининг оғирини енгил қилади. Чунки одамларимиз ишлаяпти, мақтаниш бўлса ҳам айтай, туманда кўп ҳосилли далалар бизда. Бу ҳол уч-тўрт йилдан буён анъана тусини олган. Бу эса бор нарса ишлаганники: мукофот ҳам, илиқ гапу раҳмат ҳам, дегани. Агар ишонмасангиз дала айлантираман, кўриб ўзларингиз ишонч ҳосил қиласиз.

Дала айландик, колхознинг ишлаб чиқариш жабҳаларини кўрдик, одамлари билан суҳбатлашдик. Раиснинг гаплари ҳавойи эмаслигини билиб, кўнгилга илиқлик югурди. Район ҳокими Усмонжон Иномиддинов буларнинг ҳаммаси бежиз эмас дегач, қўшиб қўйди: «Раҳбарларни даладан чиқмай тер тўккан кишилардан танлаганмиз. Масалан, қишлоқ хўжалиги бўйича туман ҳокими ўринбосари Адҳамжон Матисаев илгари колхоз раиси эди. Бошқалар ҳам шундай».

Билдимки, у Ёқубжон акани, кечагина пахта тайёрлаш режасини уддалаган «Гулистон» ва «Маданият» давлат хўжаликлари раҳбарлари Ҳ. Мамазокиров, Ю. Асқаровларни ҳам назарда тутди ва уларни тупроқнинг тусига қараб ҳосил чўғини биладиган кишилар, деб атади.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ,
журналист.
Андижон вилояти.

• *Олим таклиф этади*

«МАЪРИФАТ» ЖАМҒАРМАСИ БЎЛИШИ КЕРАК

Ҳар доим ҳам тараққиётнинг улкан муаммоларини маънавий баркамол, эзтиқод, имонга эга бўлган одамлар амалга оширганлар. Юксак маънавият бўлган жойдагина барқарор тузум, порлоқ истиқбол бўлиши мумкинлиги ҳозирги кунда яна ҳам тўлароқ аён бўлмоқда.

Собиқ СССРда сўнгги даврда бўлиб ўтган воқеалар, демократия ва ошкоралиқдан фойдаланиш борасидаги бебошликлар маънавият соҳасида чуқурлашган инқирознинг ифодасидир.

Ўзбекистоннинг мустақил бўлиши маданий камолот ва маърифат борасида ҳам ўзимизнинг йўлимизни танлашимизга олиб келди. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида бу соҳадаги вазифалар чуқур ёритиб берилди.

Бозор муносабатларига аста-секин ўтиш натижасида Ўзбекистонда ҳам иқтисодий қийинчиликлар келиб чиқмоқда. Бундай шароитда экстремист кучлар оммада норозилик кайфиятларини уйғотишга ҳаракат қиладилар. Бундай ишлар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини Тожикистондаги фожеалар мисолида яқол кўриб турибмиз. Шундай шароитда кишиларни аҳилликка, тинчликка, осойишталикка чақириш ҳақиқий маърифатдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда кенг кўламда маърифий ишлар олиб боришга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ сезилмоқда. Бу кунги оғирликлар собиқ иттифоқдош республикалар ўртасидаги иқтисодий алоқалар узилиб қолиши, Ўзбекистон 135 йил давомида Россиянинг хом ашё базасига айланиб қолганининг оқибатидир. Маърифат йўли билан омманинг эътиборини ҳозирги қийинчиликларнинг ўзигагина эмас, балки улардан чиқиш йўлларига қаратмоқ керак. Бу оғир аҳволдан фақат ўзимиз, ўз меҳнатимиз, ҳамжиҳатлигимиз ва бирдамлигимиз билан чиқамиз. Бундан ташқари, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш билан ҳамма тирикчилик йўлига ўтиб кетади. Кўпчиликнинг газета, журналлар ўқишга, радио эшитиш ва телевизор кўришга ҳам вақти кам. Бадиий асар ўқиш тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади. Булар жамият маънавий заминини заифлантирувчи бир ҳолдир.

Мустақил Ўзбекистон учун ётук маънавият зарур. Кишиларда ватанпарварлик ва инсонпарварлик, келажакка, унга олиб борадиган йўлларга, ҳозирги сиёсатга чуқур ишонч туйғулари бўлмаса мустақилликнинг пойдевори ҳам мустаҳкам бўлмайди. Маърифий-тарбиявий ишларни олиб бориш борасида ўтмишда тўпланган тажриба ҳозирги кун учун етарли эмас.

Яқинда «Билим» жамияти ўрнида ташкил этилган Ўзбекистон зиёлилари илм-маърифат уюшмасининг молиявий аҳволи ҳам ниҳоятда оғирдир. Хўжалик ҳисобида ишлашдан келган озроқ даромадлар маърифат ишларини кенг йўлга қўйишга имкон бермайди. Баъзи олимларнинг вақтинчалик фидойилиги эса бу масъулиятли муаммони ҳал этишнинг асосий йўли бўла олмайди. Ҳозирги кунда нархнаво, йўл харажатларининг ошгани ҳам зиёлиларнинг шаҳар, қишлоқ аҳолиси билан бевосита учрашувлар ўтказишини қийинлаштирмоқда. Омма учун катта маърифий минбар бўлиши мумкин бўлган Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси ҳам уюшма қилаётган ишларни негадир ёритмай қўйди.

Ҳозирги шароитда маърифат ишларини кучайтириш билан боғлиқ барча харажатлар давлат томонидан қопланишини талаб қилиш ҳам қийин. Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистонда махсус «Маърифат» жамғармаси ташкил этиш зарур, деб ҳисоблайман ва бу масалага бутун жамоатчиликнинг диққатини жалб қилмоқчиман. Биз хоҳлаймизми-хоҳламаймизми, Ўзбекистонда бир томонда мустақиллик, дунёвий давлат тузиш тарафдорлари бўлса, иккинчи томонда экстремист кучлар ҳам бор. Собиқ марказда ҳам мустақил Ўзбекистон ўз тараққиёти йўлидан илдам боришини истамайдиган кучлар йўқ эмас. Баъзи хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишлари заминида сиёсий мақсадлар ҳам бор эканини унутмаслик керак. «Маърифат» жамғармаси учун маблағни турли ташкилот, корхона, муассасалар ва шахслар ажратиши мумкин. Бу маблағлар мустақил Ўзбекистонда соғлом маънавий муҳитни яратишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Э. ЮСУПОВ,
Ўзбекистон зиёлилари илм-маърифат уюшмаси раиси, академик.

ИНСОН— ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Наманган, Норин, Поп, Тўрақўрғон районлари халқ нойибларининг сессияларида ҳокимиятларнинг қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди. Ҳокимлар Ж. Сиддиқов, А. Ҳайдаров, Ҳ. Талабоев, С. Исматуллаев нойиблар олдида ҳисоб беришди.

Улар районларни иқтисодий ривожлантириш масалалари билан бир қаторда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммоларига эътибор бердилар. Масалан, Наманган районида меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси ёлғиз, кекса кишиларга, шунингдек камбағал оилаларга ёрдам учун 300 минг сўмдан кўпроқ пул сарфлади. Жамғарма ҳисобидан ана шундай оилалар учун 50 дан ортиқ уй қурилди.

Бўлиб ўтган сессияларда ҳокимларнинг фаолияти қониқарли деб топилди.

(ЎзА мухбири).

СОЗИМДА, СЎЗИМДА СЕНИНГ МАДҲИНГ, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

● Жалолқудуқ район маданият уйи қошидаги «Наво» ашула ва рақс халқ дастаси аъзолари айни кунларда хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар меҳнаткашлари ҳузурида тез-тез бўлиб, уларнинг дам олиш соатлари кўнгилли ўтишига ҳисса қўшишмоқда.

Суратда сиз даста раққосаси Мовлуда Қосимованни кўриб турибсиз.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

● Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси Жўлмирза Оймирзаев номи ҳаммага таниш. Саксон икки ёшли оқсоқол ҳануз баракали ижод қилмоқда, китобхонлари ҳузурида учрашувларда қатнашмоқда.

Суратда: Тўрткўл шаҳридаги ана шундай учрашувлардан бири акс этган.

Б. АЛЛАШЕВ олган сурат.

● Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодировни Урта Осиё халқлари яхши билади, десак хато қилмаймиз. Ўзбек қўшиқчилигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган бу ижодкор Фарғона давлат университетининг профессори унвонини олишга муяссар бўлди. Ёшларнинг гамхўр устози ҳамиша шогирдларига санъатнинг сеҳрли сирларини ўргатишга интилади. Фотомухбир Т. Ҳамроқул олган суратда Т. Қодиров Риштон район ёшлар марказ қошидаги «Ниҳол» дастаси бадиий раҳбари Валижон Қодиров билан суҳбатлашмоқда.

*

Турмуш чорраҳаларида

ОЛТМИШ ЙИЛЛИК ЖУДОЛИКДАН СЎНГ...

Буғдойрангдан келган, салобатли «капиталист» бобо билан кўришар эканмиз, унинг кичик ўғли Нажмиддин Насафийнинг ҳикояси беихтиёр ёдимизга тушди.

— Отам Ғиёсиддин Насафий 60 йилдирки, она диёридан йироқда, Ватанни қўмсаб яшаяпти. Эҳ-ҳе, ота-онам юртидан кетгач, Афғонистонда не-не қийинчиликларни бошидан кечирмади. Ғарибликда кун ўтказишди. Отам вақтида ўтин жамлаб сотган, мардумларга сув ташиб берган. Ковушдўзлик, маҳсидўзлик қилган. Кейинчалик тижорат ишлари билан шуғулланган. Афғонистонга Англиядан велосипед, Японияндан газмол, Голландиядан қуруқ сут келтириб сотган бўлса, Афғонистондан Олмонияга қолип олиб борган. Шу йўсинда уч ўғил, тўрт қизни вояга етказдилар. Бизлар Қобул, Чикаго, Истамбул шаҳарларида маълумот олдик. Акаларим, опаларим муҳандис, ҳуқуқшунос ва бошқа соҳа соҳибларидир. Бир опам микробиология бўйича олима. Биз Ўзбекистон ҳаёти билан жуда қизиқардик. Мен ўқиган Чикаго университетида Ўзбекистон тўғрисида компьютер орқали хоҳлаган маълумотингизни олишингиз мукин. Бундан ташқари, китобларни ҳам кўп ўқиймиз. Мен инглиз, француз, форс, пушти, ўзбек тилларида бемалол гаплашаман.

Биз Ўзбекистон мустақиллиги ҳақидаги хабарни эшитиб, отам, акам, жиянларим ўз машиналарида бир ярим минг километр йўл босиб Чикагодан Нью-Йоркка келдилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти штаб квартирасидаги юрт байроғини кўриб, зиёрат қилдилар. Уларнинг Ватанга қайтиш орзулари бор эди... Бизда ишга қабул қилишда қайси партияга мансублиги, ё бошқа хислати эмас, балки иш билиши муҳимдир. Биз ниҳоятда қаттиқ ишлаймиз. Ҳар дақиқамиз ҳисобда. Лекин сизларда меҳр кўп, муҳаббатли инсонлар кўп. Ўзаро ҳурмат аҳёр. Мен қариндошларимни топганимдан ғоят хурсандман...

...Мана, яқинда Нажмиддиннинг отаси қарийб саксон ёшни қоралаб қолган Ғиёсиддин Насафийнинг ўзи ҳам Америка Қўшма Штатларининг Чикаго шаҳридан севимли юрти Касби районидаги Касби қишлоғига ташриф буюрди. У билан бирга умр йўлдоши Муаззама Насафий ва набираси Жалолиддин Насафийлар ҳам бирга келишди. Касбиликлар меҳмонларни қучоқ очиб қарши олдилар.

— 1932 йилнинг асад ойи чопонни елкамга ташлаб, тоғам билан Афғонистонга қараб жўнаганимда 18 ёшда эдим, — дея эслайди Ғиёсиддин Насафий. — Юртни ташлаб кетишимнинг сабаби бор эди. Отам Турсунхўжа ўғли Аминхўжани қулоқ қилишганди. Ватан тупроғини, юртдошларимни, қариндошуруғларимни жуда-жуда соғингандим. Ўзбекистон мустақиллиги туфайли орзуим ушалди. Чикагодан Истамбулга ,у ердан Тошкентга, самолётда учиб келдик. Онаюртнинг азиз тупроғини кўзимга суртдим. Шаҳар ва қишлоқлар бутунлай ўзгарган. Шинам мачитлар, чойхоналар, теп-текис йўлларни, боғ-роғларни кўриб дилим яйраб кетди. Тўғри, касбилик жияним, синглимнинг ўғли Олим Шарипов менинг манзилимни аниқлаб 1990 йилдан бошлаб ёзган мактубларида бу ўзгаришларни неча бор битганди. Аммо ўз кўзим билан кўрганим бошқа. Фарзандларимдан Мариям Насафий Туркияда, Ойша Насафий Францияда яшашади. Кўпчилиги ўзим билан бирга.

...Бугун Касби элида тўю-тантана. Айниқса, Ғиёсиддин Насафийнинг саксон икки ёшли акаси Ғовусиддин бобо Аминов, қаҳрамон она, етмиш беш ёшли синглиси Муқаддам аялар ва уларнинг авлод-аждодлари хонадонида шодиёналик ҳукмрон.

Бобо ўйга чўмади. Сўнг бошини хиёл кўтариб, сўзлай бошлайди:

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Муҳтарам Ислом Каримовнинг ҳаракатлари билан она-Ватанимиз — Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига танилиб, моддий ва маънавий ёрдамларга эга бўлаётганлиги билан барчани, акобиру биродар, дўстларни табрик этамиз. Ҳаммани дуо қилиб, илтимосим шуки, Ватаннинг моддий ва маънавий тараққиёти учун толмай ҳаракат қилингиз. Бутун умр фарзандларим она тилларини, она-Ватанларини унутмасинлар дея ҳаракат қилдим. Насафий насабини олганлигим ҳам шу боисдан. Олис жудоликдан сўнг жон-жигарларим билан кўришишни муяссар этган парвардигорга шукр.

Ўша куни меҳмон билан тунгача гурунглашдик. Саҳарда Мирҳайдар Султон мақбарасини зиёрат қилдик. Тонг отаяпти... Бу мустақиллик тонги. Унинг нури вужудида аждодлар қони жўш урган, руҳи мададкор бўлган фарзандлар кўнглини чароғон этди. Хориждан келган Насафийлар қадами ҳам иншооллоҳ қутлуғ бўлгай.

М. КАРОМОВ,
Д. МАЪДИЕВ.

ДЕҲҚОННИНГ КУЗИНИ БЕРДИ

Ҳа, ҳақиқий маънода деҳқоннинг кузини берди. Кўклам серёғин, серташвиш келганда кўпчилик ҳозиргидек яхши натижаларга эришилишини кутмаган эди. Хайриятки, куз серқуёш келиб, деҳқонларимиз барча соҳалар бўйича муайян ютуқларга эришмоқдалар.

Задарё районидаги «Гигант» жамоа хўжалиги аъзолари ҳам бу йилги кузда миннатдор. Хўжалик мирзакорлари сахий кузнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб, пахта тайёрлаш йиллик режасини ошириб бажаришди. Республика хирмонига 7230 тоннадан зиёд пахта сотилди. Шунингдек, 1300 тонна полиз ва кўплаб бошқа маҳсулотлар эл дастурхонига етказиб берилди.

Айни кунларда хўжалик далаларида қолган ҳосилни йиғиштириб олиб, келгуси йилга пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Хўжалиқнинг Абдулбори Мамажонов етакчилигидаги олтинчи агроучасткасининг жамоаси бу йил астойдил меҳнат қилди. Мирзакорлар эл хирмонига 520 тонна пахта, 500 тонна полиз маҳсулотлари, 70 тонна шоли етказиб беришди. Уларнинг нияти — келгуси йил ҳосилига ҳам пухта ҳозирлик кўриш.

Суратда: участка бошлиғи (ўнгдан) Абдулбори Мамажонов, бригада бошлиғи Абдуназар Қўчқоров, шолиқор Қодирали Асқаровлар бўлиқ шоли бошоқларидан мамнун.

П. АКБАРОВ олган сурат.

КУН ТАРТИБИДА: ҲУҚУҚ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг яқинда бўлиб ўтган пленуми — республикамиз одил судлов органининг йиллик фаолиятига якун ясади. Пленумда жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уни бузишларга кескин зарба бериш, йўл қўйилаётган хатоларни бартараф этишга оид аниқ кўрсатмалар берилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилишга доир долзарб масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фуқаролик ва жиноят ишларига тааллуқли бўлган муҳим масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақлари тўлашга оид қонунларни: фуқаролик ҳолатларини қайд этиш ёзувларидаги хатоликларни аниқлаш тўғрисидаги қонунларни; ҳуқуқ берувчи ҳужжатлар — омонат дафтарчаларини ёки турли хил тўлов қоғозларини йўқотганликларида уларни тиклашга оид ариза ва ишларни судларда кўриш тартиби юзасидан аниқ йўлланмалар белгиланди. Шунингдек, жиноят ишлари юзасидан судлар томонидан ҳукмлар, ажримлар ва қарорларни назорат тартибида кўришни изга солувчи қонунларни қўлланиш тўғрисида: жиноят ишларини кассацион тартибда кўриш амалиёти тўғрисида ва бошқа масалалар — юзасидан аниқ кўрсатмалар берувчи қарорлар қабул қилинди.

Республика Олий суди раиси У. Қ. Мингбоев пленумда сўзга чиқди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг қўмиби, Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори А. Саидов, Ўзбекистон Республикаси Президентлик Маҳкамасининг масъул ходими У. Қурбонов, республика адлия вазирининг биринчи муовини М. Абдусаломов қатнашдилар.

А. ШУКУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди ахборотномаси муҳаррири.

• *Акс-садо*

ДИЁНАТЛИ ВА ИНСОФЛИ БЎЛАЙЛИК!

(«ЁШЛАРНИ ҚАЙСИ ЙЎЛГА БОШЛАМОҚЧИСИЗ, ЖАНОБЛАР!» «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», 14 ОКТЯБРЬ 1992 ЙИЛ).

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институти ректори Анвар Аъзамхўжаевнинг «бирлик»чиларга қарата бонг урриб, куюнчаклик билан ёзган мақоласини ўқиб, чуқур ўй-хаёлга толаман. Ахир, наҳотки, йигит-қизларимизнинг бугунги ойдин ва истиқболли йўли мустақил давлатимизнинг келажаги сари интилиш эканини билишмаса, «бирлик»чи жаноблар! Ўша туҳматдан иборат варақа-битиклар керакми, ҳозир?

Олижаноб шахслар, миллий фанимиз заҳматкашларининг бири вазир, иккинчиси йирик университет ректори. Мустақил жумҳуриятимиз учун сарф қилаётган меҳнатлари, унинг истиқболига қўшаётган ҳиссаларини наҳотки «бирлик»чилар тушуниб етишмаса?!

Туркия, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларнинг тажрибаларини қўллаш, ўнлаб лицейлар очиб, босқичма-босқич танлов, магистрлик таълимни жорий қилишга киришилдики, бундай жараёнлар ТошДУ, ТошИУ Тош ТУ ва бошқа ўқув юртларида олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда ўнлаб мамлакатлардан юқори малакали мутахассислар республикамизга ташриф буюришган. Ўз навбатида биргина Туркия мамлакатига икки мингга яқин талаба-ю аспирантлар ўқишга жўнаб кетишди.

Мен яна ўнлаб мисоллар келтиришим мумкин. Энг асосийси — истиқбол сари дадил одим ташлаётган ҳур Ўзбекистонимиз жаҳон мамлакатлари билан ҳамкорлик ва ҳамжиҳат бўлиш йўлини тутмоқда. Ўзбекистоннинг 60 фоизга яқин аҳолиси 25 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. Уларнинг келажаги учун жон куйдирмасак, дунё мамлакатларининг олдинги сафларига олиб чиқолмасак мустақиллигимиз истиқболли бўлармикан?!

Демократия ва ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги мавжуд бўлган ҳозирги пайтда толиби-илмларимизнинг ҳушёр эканликларини Тошкент давлат дорилфунуни мисолида кўриш мумкин. Гарчи бўҳтонли битик-варақалар тарқатилса ҳам, йигит-қизларимиз босиқлик, мулоҳаза ҳамда ҳушёрлик билан иш тутдилар. Оғоқ бўлинг, азиз фарзандларимиз. Сиз бизнинг келажагимизсиз, Сизларга ишониб Ўзбекистоннинг тақдири бериб қўйилган. Ҳар қандай бўҳтону-туҳматлар кўпик бўлиб қолаверсин, Сизлар теран оқиб, томир отиб истиқбол сари дадил одимлайверинг.

Карим НОРМАТОВ,
Тошкент давлат университети қошидаги малака ошириш институти кафедра мудири, тарих фанлари доктори, профессор.

• «МУСТАҚИЛЛИК—МЕНИНГ ИФТИХОРИМ» ФОТОКОНКУРСИГА



Жудаям қизиқ ҳикоя экан, дадажон!

Е. БОТИРОВ сурат этюди.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● МУҲАММАД ЮСУФ ИЖОДХОНАСИДА.

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ

● «БОЛА ЎҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)

● «ЎРҒОЧИ ШАЙТОНЛАР» (СУД ОЧЕРКИ)

● «КАТТАЧИЛИК ҚУРСИН» (ФЕЛЬЕТОН).

ХЎРАНДАЛАР МАМНУН

Республика пойтахтининг Миробод районидаги «Сарикўл» турар жой даҳасида «Бешчинор» деб аталган ошхона фойдаланишга топширилди. Бу ерда буфет, новвойхона ва қандолат цехлари ҳам бор. Маҳсулот сақланадиган ва тайёрланадиган хоналар зарур анжомлар билан жиҳозланган, Пазандалар тайёрлаётган миллий таомлар хўрандаларга манзур бўлмоқда.

(ЎзА).

«АМУ» САХОВАТИ

◆ Оролни асраш қомитетининг «Аму» фирмаси ташкил этилганига ҳали икки йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин янгибозорлик тадбиркор ва ишбилармон Мадрим Матёқубов бош директорлик қилаётган бу саховат жамоасининг номи Хоразм вилоятидагина эмас, балки республикада ҳам тилга тушиб қолди.

Орол фожиасидан азият чеккан ва зарарланган одамларга ёрдам беришдек савобли йўналишда фаолият кўрсатаётган бу фирма денгиз минтақасида олти миллион сўмлик миқдоридаги хайрия ишларини амалга оширди, юзлаб беморларни ўз ҳисобидан даволатишга бош-қош бўлди. Районнинг «Бўзқалъа» қишлоғида қатор ободончилик ишларини рўёбга чиқарди, болалар учун оромгоҳ, боғча ва ясли қуриб берди. Вилоятнинг Шовот, Янгибозор, Хазорасп, Қўшкўпир, Тошкент вилоятининг Тошкент, қўшни Туркманистон Республикасининг Тошовуз, Қорақалпоғистоннинг Амударё районларида фирманинг савдо-тижорат филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

— Ўзимизнинг аҳолини нефть маҳсулотлари билан таъминлайдиган, автомашиналарга техника хизмати кўрсатадиган базаларимиз, ун ишлаб чиқарадиган ва тикувчилик цехларимиз мавжуд, — дейди М. Матёқубов фирма фаолияти ҳақида тўхталиб. — Айни пайтда нон заводи қурилишини ниҳоясига етказаяпмиз. Бу корхона ишга туширилгач, кунига уч юз килограмм ундан турли хил нон маҳсулотлари тайёрлаб чиқара бошлайди. Келгуси йилга мўлжалланган режаларимиз ҳам чакки эмас. Битта ғишт заводи, касалхона, боғча ва ясли, дорихона қурилишини бошлаб юбормоқчимиз. Бунинг учун керакли материалларни тайёрлаб қўйганмиз. Шакар заводи қурилишини ҳам бошлаб юборамиз. Бунинг учун беш миллион сўмлик жиҳозлар сотиб олиб келтирдик. Бўлғуси корхона учун 6 гектар ер ажратилди. Унинг тегишли майдонида хом ашё учун қанд лавлаги ҳамда маҳаллий аҳоли болчингирик деб атайдиган шакарқамиш етиштирилади. Бу корхона қуриб ишга туширилгач, тағин 50 нафарга яқин одам иш билан таъминланади. Шунингдек, фирма ишчи-хизматчилари учун махсус қўрғон қурилишига ҳам асос солинади. Келгуси йилнинг ўзида ўндан ортиқ уйжой қуриб фойдаланишга топширилади.

Бош директор бизни яна бир қувончли режадан огоҳ қилди. Фирма Хива шаҳридаги болалар уйида тарбияланаётган етим-есирлар учун 500 минг сўмлик қишки кийим-кечак харид қилиб беришга қарор қилибди.

Фирманинг яна бир хайрияси айтиб ўтиш ўринли. Бу саховат жамоаси атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов жамғармасига 100 минг сўм, «Маҳалла» жамғармасига ҳам 100 минг сўм ўтказишди. Унда хизмат қиладиган 100 нафардан ортиқ ишчи-хизматчиларнинг ҳаммаси «Ўзбекистон овози», «Халқ сўзи», ноҳияда чоп этиладиган «Дўстлик байроғи» газеталарига фирма ҳисобидан обуна қилинди.

Эркин МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАҚЧИЛЛИККА КИМ АЙБДОР?

• *«Ўзбекистон овози» рейди*

Инсон ҳеч нарсадан зориқишни истамайди. Ахир меҳнат қилган кишининг дасти узун, кўнгли тўқ, дастурхони тўкин бўлиши керак-да. Бироқ кейинги пайтларда тақчилликка анча кўникиб қолдик. Гоҳ у нарса, гоҳ бу нарса тақчил матоҳга айланиб қолмоқда. Нега? Бу савол ҳозир жуда кескин, ўткир тарзда қўйиляпти. Ёдингизда бўлса, газетамизнинг шу йил 25 июль, 7 ва 20 август, 12 сентябрь, 13 октябрь сонларида «Ошхонадаги очкўзлар», «Тижорат ниқобидаги қароқчилар» «Савдо: эски ҳаммом эски тос», «Шакар» операцияси, «Савдодаги ғавғолар» сарлавҳали танқидий мақолалару фельетонлар эълон қилинган, уларда савдо ва умумий овқатланиш тармоқларида рўй бераётган нуқсонлар, халқ ҳаққига хиёнат қилаётган эгриқўл, нопок савдо ходимларининг кирдикорлари фош этилганди. Тақчилликни сунъий равишда юзага келтираётган қаллоблар нишонга олинган эди. Айтилган гап—отилган ўқ, дейдилар.

Буни танқидий чиқишларга олинаётган жавоблардан ҳам билиш мумкин. Шуни ҳисобга олиб таҳририят бошланган мавзуни давом эттиришга қарор қилди. Зеро, бундай чиқишлар харидорга мадад берса, нопок савдо ходимларини инсофу диёнатга чақиради, деган умиддамиз.

Иқтисодий мураккабликларга қарамай Фарғона вилоятида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда узилишлар содир бўлгани йўқ. Оғизда «у етишмаяпти, бу етишмаяпти» деймизу лекин дастурхонимиз тўкин, тўй-томошаларимиз тўхтагани йўқ. Бироқ минг машаққат билан етказиб келинаётган шакар, ун, ёғни талон-тарож қилиш, вақтинчалик қийинчиликлардан фойдаланиб, чўнтакни қаппайтириб олиш пайида бўлаётганлар йўқ эмас. Мавжуд маҳсулот ва молларни тақсимлашда қаллобликка ҳам йўл қўйиляпти. Назоратнинг сусайганлиги оқибатида олинаётган маҳсулотлар кўп ҳолларда аҳолига тўлиқ етказиб берилмаяпти. Олтиариқ районидаги Катпут қишлоғи Қўқон—Фарғона йўлининг ёқасида жойлашган. Шу қишлоқдаги Усмонхўжаев кўчаси 34-уйда яшовчи, асли касби шофер бўлган Ю. Нурматов қўлбола дўконга чой, турли конфетларни ёйиб қўйиб сотаяпти. Маҳсулотларнинг белгиланган нархи устига 25-60 сўмгача қўшган.

— Буларни қаердан олдингиз?

— Бишкекдан олиб келдим...

Савол туғилади: бу маҳсулотларнинг нархи Бишкекда бизга қараганда икки-уч баравар ортиқ-ку? Бишкекдан келтириб сотиб фойда қилиб бўлармикин? Бу албатта содда одамлар учун тўқилган баҳона. Аслида Фарғона вилоятида беҳисоб кўпайиб кетган турли қонуний-ноқонуний тижорат дўконлари-ю, қўлбола ошхоналарни нопок савдо ходимлари таъминлаб туришибди. Яқинда вилоят ҳокимининг тижорат дўконлари ишини тартибга солиш тўғрисидаги қарори чиқди. Бу қарор аҳволни ўнглаш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлашга хизмат қилади. Аммо тижоратчилар ҳам тинч ўтиришгани йўқ. Сентябрь ойи бошларида тўсатдан дўконлар пештахталарида вино-арақ маҳсулотлари ғойиб бўлди. Тўй маросимлари, меҳмон чақиришлар ўтказмоқчи бўлган одамлар қийин аҳволда қолишди. Айни пайтда сеҳргарнинг сеҳрли таёқчаси имоси билан бўлгандай тижорат дўконларида ароқ-вино шишалари кўпайди. Аммо ароқнинг давлат нархи билан тижорат нархи ўртасидаги фарқ 60-70 сўмни ташкил этади. Ҳолбуки Қўқон вино-арақ заводи Фарғона савдо-ишлаб чиқариш концернига ҳатто фонддан ортиқ маҳсулот етказиб берган эди. Хўш, унда маҳсулот қаёққа кетди? Келинг, бу ҳақда бош қотириб ўтирмайлик. Агар давлат савдоси дўконлари омборларига кириб қолсангиз, сизу биз учун аталган маҳсулотларнинг қаёққа гумдон бўлаётганлигини билиб оласиз.

Қўқон шаҳар озиқ-овқат савдоси идорасига қарашли 2 дўкон сотувчиси Рустам Юсуфалиев 327 минг сўмликдан ортиқ коньяк, 140 килограмм маргарин ёғи, 2 ящик сигаретани дўкон омборининг энг хилват бурчагига яширибди. Шу шаҳардаги 43-магазин сотувчиси Х. Давронова 3750 сўмлик, 31-дўкон мудири А. Неъматов 1174 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини яшириб қўйган. Охунбобоев районидаги «Намуна» матлубот жамияти экспедитори Рустам Қодиров эса 800 минг сўмлик эркаклар спорт костюм-шимларини матлубот жамияти омборидан кимларгадир нақд пулга сотиб юборган. Бу сотувчи, экспедиторларнинг қўли қалтирамай мана шундай ишлар қилаверишлари бежиз эмас, Зеро, эртага бу маҳсулотлар албатта тижорат дўконларида пайдо бўлади. Халқ уларни ўз нархидан икки-уч баравар ортиққа олишга мажбур.

Бир қатор савдо дўконларида оилавий варақалар бўйича тарқатилиши лозим бўлган маҳсулотлар аллакимларга рухсатсиз сотиб юбориляпти. Данғара районидаги Ленин, Оқжар матлубот жамиятлари, Қува районидаги Ҳасанов номли ва Бағдод матлубот жамиятларидаги кўпгина дўконларда оилавий варақалар бўйича аҳолига сотилиши лозим бўлган ун, шакар, ўсимлик ёғи каби маҳсулотлар рухсатсиз сотиб юборилган. Фарғона районидаги Каптархона қишлоғида И. Сотволдиев мудир бўлган «Усмонобод» универмагида шу йилнинг апрель, май, июнь ойлари учун хўжалик совуни оилавий варақалар бўйича берилмаган. Июнь ойида эса шу универмагдан ун оладиган оилаларга жон бошига 1 килограммдан ун кам берилган. Бағдод районидаги «Ленинобод» матлубот жамиятига қарашли 25-дўкон мудири С. Умрзоқов 5 ой мобайнида 2 минг 695 килограмм унни оила варақасига асосан тарқатмай гумдон қилган. Шу ердаги 11-дўкон мудири Б. Мамазияев ҳам 5 ой мобайнида салкам 6 тонна ун, 207 килограмм гуручни истеъмолчиларга тарқатмаган. Шу дўкон омборида май ойида олинган 20 килограмм маргарин ҳамон сақлаб турилган экан. Бундай мисоллар талай. Инсофсизлик эви билан-да. Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун пахта далаларида тер тўкаётганлар, дастгоҳлар ёнида заҳмат чекаётганларнинг ҳаққига хиёнат қилиб жарақ-жарақ пул топаётганлар кимлар ўзи? Нега савдо идоралари раҳбарлари назоратни бўшаштириб, ишни ўз ҳолига ташлаб қўйганлар? Ёки бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур, деганларидай уларнинг бу қаллобликларга панжа орасидан қарашлари тагида бирор сир борми?

Қаранг, Фарғона шаҳар матлубот жамиятида 16 тонна шакар тақсимот қилинмасдан савдо дўконларига чиқариб юборилган. Бу шакар ҳақиқий истеъмолчи дастурхонига етиб бордимикин? Мана шу матлубот жамиятига қарашли омборда шундай тақчиллик пайтида 200 килограмм шакар яшириб қўйилган. Амалда 250 кишининг ойлик нормасига тенг бу шакар қайси «ширин томоқ»ка мўлжалланган экан? Шаҳар матлубот жамияти раиси А. Расуловнинг кўзи қаёқда эди?

Ҳозирги танқислик пайтида меҳнаткашнинг дастурхонидаги озиқ-овқатга чанг солиш жиноят билан тенг. Аммо савдо корхоналари раҳбарлари мана шундай қилвирлик қилаётган ходимларини бошини силаб қўйиш, озгина койиш билан кифояланаяптилар. Фарғона шаҳридаги 1-гастрономда текшириш пайтида 43,7 тонна биринчи нав ун, 13,3 тонна шакар Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Республика Вазирлар Маҳкамасининг 59-қарорига зид равишда оила варақаларига амал қилинмасдан сотиб юборилганлиги аниқланди. Бунча миқдордаги ун ва шакар тижорат нархларида жўда катта миқдордаги пулга айланиши табиий. Бироқ шаҳар озиқ-овқат савдо идораси раҳбариятининг билдиришича, бу ишга... сотувчи Г. Солиева айбдор бўлган эмиш?! Гастроном директори, озиқ-овқат савдоси идораси раҳбарлари эса оддий сотувчи тонналаб ун ва шакарни сотиб юборганидан бехабар қолган эмишлар. Бечора Г. Солиева... Уни раҳбарият «қаттиқ» жазолади, роса «изза» қилиб, қаттиқ ҳайфсан берди.

Яқинда Халил Усмонов исмли шахс нақд 117 қоп шакарнинг ҳар бир қопини (қоплар 50 килоли) 2,5 минг сўмдан сотаётганида қўлга тушди. Божхона ходимлари республикадан чиқиш йўлларида деярли ҳар куни ноқонуний равишда чиқиб кетаётган озиқ-овқат маҳсулотларини ушлаб қолаяптилар. Тижорат дўконларида, шунингдек, яширинча озиқ-овқат маҳсулотлари чайқов қилинмоқда. Вилоят ҳокимияти, назорат органлари савдодаги мана шундай қаллобликларга чек қўйиш учун ҳаракат қиляптилар. Аммо савдо корхоналарининг ўзида талабчанлик кучайтирилиб, тартиб-интизом қатъийлаштирилмас экан, қилвирликларни тўла бартараф этиш қийин. Чунки, юқорида мисоллар билан айтиб ўтганимиздек, четга ташилаётган ва чайқов қилинаётган маҳсулотларнинг манбаи асосан савдо идоралари. Фарғона вилояти савдо ишлаб чиқариш концерни ва вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси раҳбарлари аҳолини меъёрлаштирилган озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлаш борасида назоратни кучайтиришлари керак.

Акс ҳолда қилвирлар халқ қарғишига учрайдилар.

Муқимжон ЖУРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитасининг Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи.

Фарҳод АКРАМОВ,
вилоят ички ишлар бошқармасининг иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 27 ноябрда чиқади).

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 1992 ЙИЛГИ ИЧКИ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИНГ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИ 2-ТИРАЖИДА ЮТУҚ ОЛГАН КИШИЛАРНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ!

МУСТАҚИЛЛИК ТИНЧЛИК ҲАМКОРЛИК ЎЗБЕКИСТОН 1992-1 сентябрь

Жамғарма банки

Заёмнинг 3-тиражи 1992 йил 30 декабрда ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

1993 йилдан бошлаб ҳар йили навбатдаги тиражлар йилнинг ҳар чораги охирги ойи 30-КУНИ ЎТКАЗИЛАДИ.

1000, 500 ва 250 сўмлик заём облигациялари республика жамғарма банкининг муассасаларида ЭРКИН СОТИЛАДИ ВА СОТИБ ОЛИНАДИ.

• 1000 сўмлик облигация битта сериядаги иккита номерли икки дона беш юз сўмлик облигациядан иборат. 250 сўмлик облигация беш юз сумликнинг ярми ҳисобланади.

• Сизнинг хоҳишингизга кўра жамғарма банки облигацияларингизни сақлаш учун қабул қилади ва сизни облигациянгизга тушган ютуқлар ҳақида хабардор қилиб туради.

ОБЛИГАЦИЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИГА ДАВЛАТ КАФОЛАТ БЕРАДИ.

Беш юз сўмлик облигацияларга унинг қиймати қўшилган ҳолда 250000, 100000, 50000, 25000, 10000, 5000, 2000 сўм ҳажмида ютуқлар белгиланган.

ҲАММАНГИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ.

Сизларни Ўзбекистон Республикаси жамғарма банки муассасаларида кутамиз.

«Гамма» фирмасининг йўқолган думалоқ муҳри БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати жамоаси ва 1, 2, 3-болалар жарроҳлиги кафедралари ходимлари 3-болалар жарроҳлиги кафедраси мудири

Юнус Болтаевич УЛЛИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига таъзия изҳор қилади.

«Ташгорплодоовошпром» бирлашмасининг жамоаси Яккасарой УЧМСКнинг директори А. К. Зокировга отаси

Қосим ЗОКИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими— 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда —35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: А. БОЛИЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.30 Г—453. № 232. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.